

PERSONALIA

ИЛМ НУРИ БИЛАН ҚАЛБЛАРНИ ЁРИТГАН ОЛИМ



СУЙИМА ФАНИЕВА (1932 – 2018)

1991 йили Алишер Навоийнинг дастхати топилди. Шоирнинг ўзи кўчирган китоб – “Наводир-ун ниҳоя” девонини Суйима Фаниева Эроннинг “Кохи Гулистон” музейидан олиб келди. Шоир асарларини турли котиблар кўчирган нусха ва бошқа нашрларидан ўрганиб, тадқиқ этган қанча-қанча навоийшунослар Навоий дастхатининг топилишига умид қилиб ўтдилар. Ўтган асрнинг 60-йилларида академик Ойбек шоир лирикаси тадқиқига бағишлиланган бир диссертация муҳокамаси пайти: “...Навоийнинг қўлхати топилиши имкониятидан албатта умид узмаймиз...”, – деган экан. Бунга гувоҳ бўлган ёш Суйима Фаниева орадан йиллар ўтиб, бу умиднинг ушалишига, орзунинг воқеликка айланишига муносиб ҳисса қўшди – Навоий қўлёзмасини олиб келди, шоирнинг муҳрини топди.

Ўн беш ёшида – ҳали мактабни битирмасдан Ўрта Осиё давлат университетининг (САГУ – ҳозирги ЎзМУ) Шарқшунослик факультетига ўқишга кирган, йигирма тўрт ёшида Петербургда фидойи шарқшунос профессор Александр Болдирев раҳбарлигига номзодлик диссертациясини ёқлаган олим бутун умри давомида Навоийни ўрганади.

Устозидан нафақат илмни, балки бу йўлдаги фидойиликни, событликни, мақсадга етиш йўлидаги ҳар қандай тўсиқни енгишга куч топишни мерос қилиб

олган олим илмнинг мاشаққатларидан чўчимади. Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган болалигида кечирган қийинчиликликлар ҳам уни фақат мақсадга интилишга ўргатган эди. Ҳаёт, шароит қанча оғир бўлмасин, ўқиш ва билим олиш жуда зарур эканлигини эрта англагани боис тинимсиз изланарди. ...Тўйи арафасида сепига қўшиб бериладиган зарур буюмлардан бирининг ўрнига отасидан у пайтлари (ҳозир ҳам) ноёб бўлган “Форсча-арабча-русча мукаммал лугат”¹ китобини (И. Ягелло тайёрлаган) сотиб олиб беришни сўраган бу қизнинг орзулари катта бир олам эди. Машҳурлардан бирининг “Агар баҳтли ҳаёт кечиришни истасангиз, сиз одамлар ва буюмларга эмас, мақсадга боғланишингиз зарур”, – деган дохиёна сўzlари бир инсоннинг ҳаётида ўrnак бўларли даражада ўзини исботлаб турибди.

Илмий фаолиятини Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”ини тадқиқ этишдан бошлаган олим дастлаб бу тазкиранинг бир нечта мажлисини адабий-тарихий таҳлил асосида тадқиқ этди, асарнинг танқидий матнини яратди, йиллар давомида бу асардаги кўплаб фикраларни махсус текшириб чиқди. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да таъриф-тавсиф этган шоирлардан кўпчилигининг биографиясини тиклашга муваффақ бўлди. Форсий ва туркийда тазкира битган муаллифлар, уларнинг асарларини ўрганиш, янги асарлар, янги ижодкорлар биографиясини манбалар ёрдамида тиклашда, аввало, “Мажолис”га сунанди. Бу асарнинг тадқиқи Навоий шахсини, унинг ижодий муҳитини ҳамда бошқа асарларини ўрганиши учун кенг йўл очди. Бу йўл тинимсиз ишлашга, изланишга ундарди. Бугунги кунда Туркия, Эрон ва Озарбайжон илмий-адабий муҳитида Суйима Ғаниева номининг ана шу мамлакатлар олимлари қаторида тилга олиниши, тадқиқотларининг эътироф этилиши тинимсиз, узлуксиз меҳнат самарасидир. Илмда мунтазамлик керак, муваффақиятлар асоси ҳам мунтазамликда – дейди олимнинг ўзи. Айниқса, бугун ҳар бир инсоннинг онгу шуурини муайян даражада қамраб олишга улгураётган, тинимсиз оқиб кираётган ахборотлар ичida, ҳаддан ошган қофозлар ўйинию, уюми ичida бундай мунтазамликни, ички интизомни сақлаб қолишни уddaётганлар жуда оз.

Олим ўзи эришган муваффақиятларни мунтазамлик – ички интизом билан боғлайди. Ижодхонасидаги битта жавонни тўлдириб турган жилд-жилд кундаликлар фақат сафар хотиралари эмас, балки уларда илмга алоқадор муҳим фактлар, фикрлар, янги ғоя ва гипотезалар ҳам ўз аксини топган. Олим уларнинг ҳаммасини эринмай ёзиб борган. Қарийб олтмиш йил давомида тутган кундаликларида бу интизомни йўқотмаган. “Бу кундаликлар менга илм йўлида катта таянч бўлган”, – дейди олим. Шу мунтазамлик, ички интизом боис,

¹ Ягелло И.Д. Персидско-арабско-русский словарь. – Ташкент, 1910.

таъкидлаганимиз “Мажолис ун-нафоис” тадқиқидан бошланган илмий фикрлар йиллар давомида мумтоз адабиётшунослигимиздаги кенг, кўламдор ва салмоқли илмий-назарий қарашларга айланди.

Суйима Ганиева Алишер Навоий асарлари матнини илмий муомалага олиб кирган, шоир асарларининг ҳар бир нашрида фаол иштирок этган катта матншунос олим, Навоий асарларида ёдга олинган шахслар, асарларни шархлаб изоҳлаб берган манбашунос, шоир асарларининг таржималарини ўрганган таржимашунос, “Мажолис ун-нафоис”, “Холоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Холоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Муножот” асарларини рус тилига таржима қилган таржимон ва албатта, Навоий асарларининг мазмун-моҳиятини тушунтириб келаётган, уларни тарғиб этаётган катта адабиётшунос олим эди.

Суйима Ганиева Алишер Навоий ижодини атрофлича ўрганиш учун Ҳирот адабий муҳити билан яқиндан танишди, Навоийнинг замондошлари, маслақдошлари – Жомий ва Ҳусайн Бойқаро билан ижодий ҳамкорлиги бўйича изланиб, туркум мақола ва рисолалар яратди. Ҳусайнний тахаллуси билан ижод қилган сultonнинг девонини биринчилардан бўлиб нашр эттириди, унинг бадиий маҳоратини очиб берди. Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий муносабатларини англамай, Навоий асарлари ҳақида мукаммал тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмас. Дастлаб “Мажолис ун-нафоис” доирасида ўрганилган Жомий фаолияти кейинроқ маҳсус “Мавлоно Абдураҳмон Жомий” деган рисолага айланди, Навоийнинг Абдураҳмон Жомийга бағишлиланган “Ҳамсат ул-мутаҳайирин” маноқиби бугунги адабий тилга мослаштирилди, бу зотга бағишлиланган Навоийнинг форсий шеърлари ўзбекчалаштирилди.

Шунингдек, олим ушбу асарнинг бошқа тилларга таржимаси, жумладан, форсий тилга таржимасини маҳсус ўрганди. “Мажолис ун-нафоис” тазкирасини “Латойифнома” номи билан форсийга таржима қилган Фахрий Ҳиравий ва унинг асарлари ҳақида тадқиқий характердаги мақолаларни эълон қилди. Фахрий Ҳиравийнинг “Равзат ус-салотин” ва “Жавоҳир ул-ажойиб” каби асарларининг ўзбек тилига таржима қилди (филология фанлари номзоди Жалолиддин Жўраев билан ҳамкорликда), Фахрий Ҳиравийнинг фаолияти ва тазкираларига бағишлиланган кириш сўзида ўзбек китобхони учун жуда қимматли маълумотларни келтирилган. Тазкираларни тадқиқ этиш – кўплаб шоирлар номини, уларнинг биографиясига оид маълумотлар ва муайян давр адабий муҳитини тиклаш, уларни мукаммал ўрганиш, бошқа тадқиқотчиларга нисбатан кўпроқ маълумот олиш имконини беради. Муайян шоир ҳаёти ва ижоди ҳамда у яшаган адабий муҳит бўйича изланишлар бошқа бир адабий муҳит ва фаолият юритган шоир билан қиёслаб ўрганишга шароит яратади. Шу маънода олимнинг

мумтоз адабиётимиз вакиллари – Лутфий, Атойи, Гадойи, Ҳусайний, Убайдий, Пошшохўжа, Ҳувайдо, Гулханий, Бақоий, Фазлий, Баёний каби кўплаб шоирлар ҳақидаги мақолалари ёхуд улар асарларини нашрга тайёрлашдаги хизматлари таҳсинга лойик.

Суйима Ғаниеванинг илмий изланиш йўллари ҳам ўзига хос. Олим матн зимнига яширинган, кўпчилик эътибор қаратиб улгурмаган масаланинг қизиқарли ва муҳими, китобхонга фойдали томонини ўйлаб изланади. “Навоий ёдга олган асарлар” ёхуд “Ҳазрат Навоий васияти” шулар жумласидандир. “Навоий ёдга олган асарлар” рисоласида шоир бутун умри давомида ўрганган, асарларида номларини зикр этган китоблар хусусида шарҳ ва изоҳли маълумотлар берилган. Бу тарихни ва манбаларни яхши билишни талаб этиши сир эмас.

Навоий ижоди шундай бир уммонки, агар унинг асарлари тадқиқотчисида закийлик ва ўз ишига муҳаббат бўлса, бу уммондан дурларни олиб чиқишининг турли усул ва йўлларидан фойдаланиши мумкин Суйима Ғаниева ўзидағи шу фазилатлар боис навоийшунослик соҳасидаги тадқиқотларида шоир ижодининг, масалан, мусиқага алоқадор жиҳатларини ҳам маҳсус ўрганишга муваффақ бўлган. Олимнинг Ўзбекистон давлат консерваториясидаги педагоглик фаолияти “Алишер Навоий шеърияти ва мақом” мавзуси билан чамабарчас боғланган бўлса, “Навоий ва мусиқа”, “Шарқ тароналари Самарқанд ҳалқаро мусиқа фестивали” ва бошқа катта илмий анжуманлардаги маърузалари шоир ижодидаги кам ўрганилган масала – мусиқа мавзусига алоқадор.

Мингдан ортиқ нашрий ишлар муаллифи тадқиқотларининг мавзу кўлами жуда кенг. Улар орасида ҳалқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт, жаҳон адабиёти ва замонавий ўзбек адабиёти муаммолари ҳақида фикр юритилган. Булардан ташқари, бадиий ва илмий асарлар, рисолалар ўзбек ва рус тилларига таржима қилинган. Жумладан, машҳур “Калила ва Димна” асари илк бор 1966 йили таржима қилиниб, нашрга тайёрланган бўлса, ҳозиргача бу китоб тўққиз марта нашр этилди. Мумтоз адабиётнинг ўқитишни энг жиддий масала деб билгани боис Суйима Ғаниева олий ўқув юртларининг филология факултетлари учун Республика Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ходимлари томонидан ўтган асрнинг 70-80-йилларида тайёрланган, ҳозир ҳам ўз қимматини ўйқотмаган “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги устида жиддий ишлади. Умрининг охиригача мана шу дарсликнинг янгиланиши ҳақида қайғурди.

Олим тадқиқот ишларининг асосий қисмини Алишер Навоий фаолияти ва асарлари бўйича олиб борган илмий ишлари ташкил этади. Профессор Нажмиддин Комилов Суйима Ғаниева ҳақида гапириб, “Илм нури ила қўнгли

чароғон олима”, деб айтган эди. Ҳақиқатан шундай. Аммо Суйима Ғаниева нафақат ўз кўнглини балки ўзгалар кўнглини ҳам илм нури билан ёритиб яўаш баҳтига эришган инсон.

Суйима Ғаниева бутун умр Навоийни ўрганди. Навоийни англаш, бу – ўзликни англаш, деб қўп таъкидлар эди олим.

Ҳаётини илм билан уйғунлаштирган, уни Навоий асарлари ичида яшаб, мисрама-мисра кезиб юргандек тасаввур этган бу олим инсон умри, ҳаёт ҳақида гапирганида ҳам Навоий муҳрида ёзилган “*Сен бу дунёда бир йўловчилик, фақирдек яшагил*” деган сўзларга суянарди. Шоир рубоийсидаги: *To ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас, / То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас. / То зулму ситам жонига бедод ўлмас, / Эл шод ўлмас мамлакат обод ўлмас,* мисралари унинг ҳаётий позициясини белгиларди.

Илмнинг қиммати, олимнинг мартабаси – айтилаётган фикрнинг событлигига, шу фикрга содиқликда. Айни шу сифатлари боис профессор Суйима Ғаниева халқимизнинг фахри ва ғурурига айланди.

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА